

Чингиз Айтматов

ОҚКЕМА

Қисса

Асил РАШИДОВ таржимаси

БИРИНЧИ БОБ

Унинг икки эртаги бўларди. Бири ўзиники бўлиб, уни ҳеч ким билмасди. Иккинчисини эса бобоси сўзлаб берганди. Кейин биронтаси ҳам қолмади. Гап шу хусусда.

Ўша йили у етти ёшга тўлиб,- саккизга қадам қўйганди.

Аввал портфел сотиб олинди. Қоп-қора дермантин портфелни очиб-ёпганда шиқиллайдиган кулфи ялтираб турарди. Ёнида майда-чуйда соладиган киссаси ҳам бор. Қисқаси, ғаройиб, айна пайтда оддий мактаб портфели эди. Ҳамма нарса, эҳтимол, шундан бошланди.

Бобоси уни кўчма дўкондан сотиб олди. Кўчма дўкон тоғдаги чорвадорларга мол сотиб, айланиб юрганда, уларга ҳам, Сан-Тошдаги ўрмончилик қоровулхонасига ҳам бирров бурилганди.

У бу ердан, дара ва нишаб йўллар бўйлаб тоғдаги қатағон ўрмонга кўтарилди, Қоровулхонада бор-йўғи уч оила яшайди. Лекин шундай бўлса-да, вақти-вақти билан кўчма дўкон ўрмончиларни ҳам йўқлаб турарди.

Уч ҳовлида ёлғиз битта бола бўлиб, у ҳар сафар кўчма дўконни биринчи бўлиб кўрар эди.

- Келяпти! - деб қичқирди у эшик ва деразага қараб чопиб.- Машина-магазин келяпти!

Иссиқкўл бўйларидан бу тарафга чўзилган айланма йўл кела-келгунча дара, дарё соҳили бўйлаб, тошлоқ ва ўнқир-чўнқирлардан ўтиб келарди, Бу йўллардан юриш ҳазилакам иш эмас. Қоровултоққа етгунча йўл пастдан юқорига торайиб, қиялаб борарди-да, кейин тикка тақир нишаблик бўйлаб ўрмончилар ҳовлисига тушади. Қоровултоғ пгундоқ ёнгиналарида - ёзда бола дурбиндан кўлни томоша қилгани деярли ҳар куни ўша ёққа чопарди. У ердан эса йўлда келаётган пиёда-ю, отлик, албатта, машина ҳам, ҳамма нарса кафтдагидек кўриниб турарди.

Ўша сафар - иссиқ ёз кунларидан бирида бола ўз кўлобида чўмилиб турган эди, шунда қия йўлни чангитиб келаётган машинани кўриб қолди. Кўлоб дарёнинг четроқ саёз жойида, қумлоқ ерда бўлиб, бобоси тош қалаб тўсиб берган эди. Агар шу тўсиқ бўлмаган-да, ким билади, балки бола ҳам аллақачонлар тирик қолмаган бўлармиди? Бувисининг айтишича, дарё аллақачон унинг суякларигача ювиб, тўғри Иссиқкўлга элтиб ташлармиди ва у ерда балиқлар ҳамда сувдаги ҳар хил балои баттарларга ем бўлармиди? Ҳеч ким уни қидириб жон койитмас, дардида куйиб, адо бўлмас эди, рост-да, сувда пишириб кўйибдимми? Сирасини айтганда, у кимга ҳам керак. Ҳали ҳозирча бу фалокат бўлганича йўқ. Содир бўлса, ким билади, бувиси балки чиндан ҳам уни кутқаргани уриниб кўрмас, кампир туғишган бувиси бўлганда бошқа гап эди, ахир, унинг ўзи, ўгайсан, деб юради-ку. Ўгай эса қанча едириб, қанча ичирма, барибир ўгайлигига боради. Ўгай... Агар у ўгай бўлишни истамаса-чи? Хўш, нега энди у ўгай бўлиши керак? Балки у эмас, бувисининг ўзи ўгайдир?

Лекин бу тўғрида ҳам, бобоси ясаган тўсиқ ҳақида ҳам кейинроқ гап бўлади.

Шундай қилиб, у ўшанда кўчма дўконни узокдан кўриб қолди, машина кетидан тўзон кўтариб, тоғдан тушиб келаётган эди. Шунда у қувониб кетди, ўзига портфел олинишини билгандек қувониб кетди. Шу заҳотиёқ сувдан сакраб чиқди, чиллакдек оёқларини иштонининг